



**Тимур ОЛТИЕВ**  
филология фанлари номзоди, доцент  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

## **ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЖАҲОН СТАНДАРТЛАРИ ДАРАЖАСИДА ЎРГАТИШ — ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГОМИЛИ СИФАТИДА**

Ҳар бир касб эгаси мутахассислигидан қатъи назар фаолият олиб бораётган йўналиши сифатини ошириши, етук мутахассис бўлиши учун чет тилларни билиши муҳим мезонлардан биридир.

Ўз касбидан ташқари чет тиллардан бирини мукаммал билган мутахассис дунё таълим тизими билан бемалол мулоқотга чиқиши янгиликлардан ўз вақтида хабардор бўлиши шубҳасизdir.

Бу масалага ҳукумат даражасида эътибор берилиши бунинг шубҳасиз тасдиғидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875 сонли ҳамда 2013 йил 23 майдаги “Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1971-сонли қарорларини бажариш ҳар бир профессор-ўқитувчидан катта масъулиятни талаб этади. Профессор-ўқитувчилар замонавий педагогик ва ахборот — коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услугубарини жорий этиш йўли билан ўсиб келаётган ёш авлодга чет тилларни ўргатиш, шу тилда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда бунинг негизида, уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг кўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва имкониятлар яратилмоқда.

Чет тилларни ўқитиш Республика Олий таълим муассасаларида CEFR — Common European Framework of Reference — “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” тизими асосида олиб борилмоқда.

CEFR — йўналиши бўйича Республика таълим муассасалари чет тили профессор-ўқитувчилари малака ошириш курсларида ўрганилаётган чет тили кўникмалари, адабий матнлар устида ишлаш CEFR — Европа стандартларига асосланган чет тили ўқитиш услублари, тест материаллари ҳамда дарсликлар яратиш мавзуларида турдош ОТМ мутахассислари иштироқида семинар — тренинг, ўкув-услубий семинарлар ўтказилди.

Чет тиллари ўқитиш тизими сифатини оширишга бағишлиланган тадбирлар Британия Кенгаси, Германия, Франция элчиноналари, AECI — Испания халқаро ҳамкорлик ташкилотлари билан бевосита ҳамкорликда ўтказилди.

Ушбу ҳамкорлик натижасида ўқищ, ёзиш, гапириш, тинглаб тушуниш кўникмаларини ўзида мужассам этган бошланғич синф ўқувчилари (1–3-синф), олий таълим муассасалари талаблари учун дарсликлар яратилди.

Чет тилларни ўқитиш сифатини ошириш учун анъанавий ўқитиш усулларидан воз кечиб, интеграллашган ўқитиш метод ва технологияларидан фойдаланилмоқда.

Дастлаб фан номлари интеграллаштирилган модуллардан ташкил топди:

### **1. Тил аспектлари амалиёти:**

*Модул 1: Амалий лексика.*

*Модул 2: Амалий грамматика.*

### **2. Тил кўникмалари интеграцияси:**

*Модул 1: Тил кўникмалариинтеграцияси.*

*Модул 2: Оззаки нутқ амалиёти (тинглаш ва гапириши).*

### **3. Ўқишиш ва ёзишиш – грамматик-лексик материаллар асосида.**

### **4. Чет тилларини ўқитишнинг интеграллашган курси. 2-курсда:**

*Модул 1: Тил ўрганиши жараёнлари.*

*Модул 2: Чет тилини ўқитишни тамойиллари ва ёндашувлар.*

*Модул 3: Тил кўникмаларини интеграллашган ҳолда ўқитиш.*

### **5. Хорижий тилни ўқитишда маданиятларо мулокотни шакллантириш:**

*Модул 1: Хорижий тилни ўқитишда маданиятлараро мулокотни шакллантириши.*

*Модул 2: Ўрганилаётган чет тили халқаро мулокот тили сифатида.*

### **6. Чет тилларни ўқитишнинг интеграллашган курси. 3-курсда:**

*Модул 1: Тил кўникмаларини интеграллашган ҳолда ўқитиши.*

*Модул 2: Аудиторияда ўқитувчи нутқи.*

*Модул 3: Аудиторияни ўрганиши (тадқиқ этиши).*

*Модул 4: Дарсни режсалаштириши.*

*Модул 5: Ўқув материалларини танлаш ва янгиларини яратиши.*

## **7. Оғзаки ва ёзма нутқ амалиёти:**

*Матбуот, ёзма нутқ, уй ўқиши, оғзаки нутқ.*

Анъянавий метод бўйича чет тиллар, жумладан, испан тилини ўқитишида бир неча жиҳатлар қамраб олинар эди. Масалан, уй ўқиши, фонетика, грамматика, оғзаки ва ёзма нутқ амалиёти ва бошқалар. Уларда ўзига жамланган мавзулар ўртасида мутлақо боғлиқлик йўқ эди. Уй ўқиши ёки лексикадан ўтилаётган матнларда фонетик, грамматик жиҳатдан ўтилмаган тил ёки грамматик замонлар учраб туради. Бу талабаларнинг матнни нотўғри таҳлил қилиши, таълим сифатининг бузилишига олиб келарди.

Хозирги кунда методлар бўйича тил малака ва кўникмалари интеграллашган ҳолда — бир-бири билан тўлиқ мутаносиблиқда олиб борилмоқда.

Чет тилларни жаҳон стандартлари даражасида ўргатиш учун куйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- Сифатни бошқариш тизимини ташкил этиш учун турли соҳа, йўл мутахассислари билан чамбарчас ҳамкорликда фаолият кўрсатиш.
- Медицина (логопед), театр (актёрлик), рассомчилик (чизиш, дизайн) санъати бўйича дарс машғулотларини ташкил этиш.
- Таълим технологиялари техник жиҳозлари (проектор, электрон доска, лингафон, мультимедиа хоналари компьютерлар, телевизор) билан тўлиқ таъминлаш.
- ЎзДЖТУ базасида испан тилини ўрганиш кабинетларини ихтисослик йўналишлари бўйича ташкил этиш.
- Ушбу кабинетларда испан тилида гаплашувчи мамлакатлар тарихи, маданиятини кўрсатиб берувчи шарт-шароитлар яратиш.
- Ўқув хона, кабинетларни замонавий техник воситалар билан таъминлаш (проектор, компьютер, телевизор, электрон доска).
- Экспериментал фонетика диагностик марказини ташкил этиш (мустақил таълимни ривожлантириш учун).

**Таълим сифатини таъминлаш жараёнида талабаларнинг иштирокини жадаллаштириш бўйича ҳам қуидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқдир:**

1. Мустақил талабалар уюшмасини ташкил этиш.
2. Талабаларга кўрсатилаётган сервис хизматларини тубдан яхшилаш.
3. Талабаларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида тегишли корхона, ташкилотлар билан ҳамкорлик шартномаларини тузиш.
4. Таълим сифати, ўқитиши жараёни бўйича ҳар қандай фикр эътиборга олиниши, керак бўлса рағбатлантириши лозим.

Ўқув йили якунида битиравчи талабаларнинг холисона фикр-мулоҳазаларини олиш орқали янги ўқув йили таълим сифатини яхшилаш бўйича тегишли кўрсатмалар ишлаб чиқиши.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” // Баркамол – авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: Шарқ, 1997. –64 б.
2. Гузеев В.В. Образовательная технология: от приёма до философии. – М., 1996. – 112 с.
3. Рубина М.Ю. Роль системы управления персоналом вуза в обеспечении качества образования // Экономические науки. – 2012. – №11. – С. 205–210.